



Савол:

Ассалому алайкум! Баъзи давраларда телевизордан фойдаланиш мусулмонлар учун тўғри келмайди дейишадилар. Бу тўғрими? Телевизор, компьютер каби замонавий техникадан фойдаланмаслик мусулмонларни ўз душманидан кучсиз этиб қўймайдими?

Жавоб:

Бизнинг назаримизда телевизорнинг оддий пичокдан фарқи йўқ. Гап фойдаланишда. Агар пичокдан ноҳақ қон тўқишда фойдалансангиз бу иш ҳаром бўлиб жуда катта гуноҳ қилган бўласиз. Агар шу пичокдан қўй сўйишда (масалан айтайлик қурбонлик қўйини сўйишда) фойдалансангиз айни савоб ишни қилган бўлиб, ажр оласиз.

Агар телевизордан исломда ҳаром қилинмаган нарсаларни қўрилса ва компьютердан ҳам шу тариқа фойдаланилса зарари йўқ. Сиз айтганингиздек баъзи давраларда телевизорни ёмонлиниши қўрсатувларнинг бузуклигида бўлса керак. Чунки, ҳозир биронта мамлакатда ҳаром нарсалар аралашмаган қўрсатув йўқ. Энди қўрсатувларнинг яхшисини, ҳалолини қўриб, ҳаромини ўчириб қўядиган марди қомил жуда оз топилади.

Хулоса шуки телевизор, компьютер ва барча асбоблардан шариат қўрсатмаларига зид бўлмаган ҳолда фойдаланмоқ жоиз. Агар бир киши яхши қўрсатувларни қўриб, ножоиз қўрсатувдан ўзини тиёлмаса бундай кишига ўша яхши қўрсатувни қўрсатадиган жихоздан фойдаланиш ҳаром бўлади. Фикхий қоидаларнинг бири шундай дейди: «Ҳаромга олиб борган нарса ҳам ҳаром. (гарчи у ҳалол бўлса ҳам ИНТ)». 18/05/2001